

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ  
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ**

**12.00.03 – ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА  
ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ.**

**ИХТИСОСЛИГИ БҮЙИЧА МАЛАКАВИЙ ИМТИХОН**

**Д А С Т У Р И**

**ТОШКЕНТ – 2024**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактабининг 2024 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_ - сон мажлисида маъқулланган.

**Тузувчилар:** ю.ф.д., проф. И.И.Насриев  
ю.ф.д., доцент З.А.Амиров  
ю.ф.ф.д. О.Шамсиддинова

**Тақризчилар:** ю.ф.д., проф. М.Х.Баратов  
ю.ф.д., проф. Ж.И.Бабаев

## **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги қундаги асосий мақсадлари – ҳуқуқий давлатни шакллантириш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, инсонлар ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш, шунингдек фуқаролар томонидан жамият, давлат ва бир-бирларига нисбатан мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш, суд-хуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этиш кабилардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси (20.12.2022)да қайд этилганидек, “...инсон қадри, инсонни эъзозлаш – эътиборимиздаги энг асосий масала”, бинобарин, “инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозим”<sup>1</sup>. Бундай шароитда тадқиқотчилар, изланувчилар олдида жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимини излаш, ҳуқуқий жиҳатдан тараққий этган давлатга хос бўлган тартибни жорий этишга эришиш, янгиликларга интилиш, мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш каби вазифалар юзага келади.

Мазкур Дастур замонавий ҳуқуқ тизимида фуқаролик ҳуқуки, тадбиркорлик ҳуқуки, оила ҳуқуки, халқаро хусусий ҳуқуқ соҳаларининг тутган ўрни, мақсади, вазифалари тўғрисидаги билим ва кўникмаларнинг шаклланиши ҳамда ривожланишига хизмат қиласида. Дастур доирасида тадқиқотчилар нафақат Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларини, миллий ва хорижий илмий ишланмаларни ўрганиш, балки уларни доимий равишда таҳлил қилиб бориш ва баҳолаш, истиқболдаги режа ва вазифаларни ишлаб чиқиш, амалдаги ҳолатни такомиллаштириш бўйича малакаларга ҳам эга бўлишлари талаб этилади.

Дастурда фуқаролик ҳуқуки, тадбиркорлик ҳуқуки, оила ҳуқуки, халқаро хусусий ҳуқуқ соҳаларининг асосий институтлари мазмунини ёритиб беришга қаратилган мавзу ва саволлар ўз ифодасини топган.

---

<sup>1</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.

## **1.1. Малакавий имтиҳонларни топшириш мақсад ва вазифалар**

Малакавий имтиҳонларни топширишдан мақсад – таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчиларда фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида фундаментал билимларни мавжудлиги, илмий тадқиқотларни амалга ошириш усулларини эгаллаганлиги, шунингдек, фуқаролик ва оила қонунчилиги нормаларини тўғри шарҳлаш ва қўллай олиш учун зарур билим, кўникма ва малакани мавжудлигини аниқлаш.

Малакавий имтиҳонларни топширишнинг вазифаси – таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчиларга фуқаролик ҳуқуқи ва оила ҳуқуқи фанининг асосий тушунчаси, принцип ва қонун-қоидалари ҳақида изчил назарий билим бериш, амалдаги фуқаролик қонунларидан тўғри фойдаланиш, уларни тўғри изоҳлаш ва қўллашга ўргатишдан иборат.

Малакавий имтиҳонларни топширишдан мақсад – таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчиларда тадбиркорлик ҳуқуқи тўғрисида фундаментал билимларнинг мавжудлиги, илмий тадқиқотларни амалга ошириш усулларини эгаллаганлиги, шунингдек, тадбиркорлик қонунчилиги нормаларини тўғри шарҳлаш ва қўллай олиш учун зарур билим, кўникма ва малаканинг мавжудлигини аниқлаш.

Малакавий имтиҳонларни топширишнинг вазифаси – таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчиларга тадбиркорлик ҳуқуқи фанининг асосий тушунчаси, принцип ва қонун-қоидалари ҳақида изчил назарий билим бериш, амалдаги тадбиркорлик қонунларидан тўғри фойдаланиш, уларни тўғри изоҳлаш ва қўллашга ўргатишдан иборат.

Малакавий имтиҳонларни топширишдан мақсад – таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчиларда халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида фундаментал билимларни мавжудлиги, илмий тадқиқотларни амалга ошириш усулларини эгаллаганлиги, шунингдек, халқаро нормалар ва фуқаролик қонунчилиги нормаларини тўғри шарҳлаш ва қўллай олиш учун зарур билим, кўникма ва малакани мавжудлигини аниқлаш.

Малакавий имтиҳонларни топширишнинг вазифаси – таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчиларга халқаро хусусий ҳуқуқ фанининг асосий тушунчаси, принцип ва қонун-қоидалари ҳақида изчил назарий билим бериш, амалдаги халқаро битимлар ва фуқаролик қонунларидан тўғри фойдаланиш, уларни тўғри изоҳлаш ва қўллашга ўргатишдан иборат.

## **1.2. Фан бўйича таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчиларнинг билимига, ўқувига ва кўникумларига қўйилган талаблар.**

**Таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчилар қўйидагиларни билиши шарт:**

- фуқаролик ҳуқуқи ва оила ҳуқуқининг тушунчаси, предмети, манбалари, субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати, фуқаролик ҳуқуқининг обьектлари, битимлар, муддатлар, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий

хуқуқлар, мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар, мажбуриятларнинг алоҳида турлари, шартномалар ва шартномадан ташқари мажбуриятлар, интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари, ворислик ҳуқуқи ва унинг вужудга келиш асосларини, оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, никоҳ, эр-хотиннинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, алимент мажбуриятлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари.

—тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуки ҳуқуқининг тушунчаси, предмети, манбалари, субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш усуллари, ташқи иқтисодий фаолиятни квоталаш, лицензиялаш, тариф ва нотариф, солиқлар ҳамда валюта орқали тартибга солиш, тадбиркорлик субъектларини солиқса тортиш, банкротликнинг ҳуқуқий асослари.

- халқаро хусусий ҳуқуқнинг тушунчаси, предмети, халқаро хусусий ҳуқуқнинг манбалари, халқаро хусусий ҳуқуқ субъектлар, уларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати, халқаро хусусий ҳуқуқининг объектлари, битимлар, муддатлар, халқаро хусусий ҳуқуқда мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, Халқаро хусусий ҳуқуқда ташқи иқтисодий битимлар, мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар, экин иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий режими, халқаро қўламда йўловчи ва юк ташиш, халқаро кредит ва ҳисобкитоб муносабатлари, интеллектуал мулкни халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш мажбуриятларнинг алоҳида турлари, халқаро хусусий ҳуқуқда оила муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиниши, халқаро хусусий ҳуқуқда ворислик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиниши, халқаро хусусий ҳуқуқда меҳнат муносабатлари, халқаро хусусий ҳуқуқда низоларни кўриб чиқиши ва хал этиши.

### **Қуйидагиларни билиши ва қўллай олиши шарт:**

—касбий фаолиятнинг мос соҳаларида фуқаролик-ҳуқуқий ва оилавий-ҳуқуқий нормаларни шакллантиришда аҳамиятга эга бўлган меъёрий ва фактик маълумотларни тўплаш; касбий фаолият объектлари бўлган фуқаролик-ҳуқуқий ва оилавий ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқий муносабатларни таҳлил этиш; сифатли ва малакали юридик хulosалар тайёрлаш, маслаҳатлар ва бошқа турдаги юридик ёрдам кўрсатишни;

— фуқаролик-ҳуқуқий ва оилавий ҳуқуқий нормаларни таҳлил қилиш; турдош соҳаларни бир-биридан фарқлаш; мажбуриятларни алоҳида турларини; интеллектуал мулк, ворислик ҳуқуки, халқаро хусусий ҳуқуқни.

—касбий фаолиятнинг мос соҳаларида тадбиркорлик-ҳуқуқий нормаларни шакллантиришда аҳамиятга эга бўлган меъёрий ва фактик маълумотларни тўплаш; касбий фаолият объектлари бўлган тадбиркорлик-ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқий муносабатларни таҳлил этиш; сифатли ва малакали юридик хulosалар тайёрлаш, маслаҳатлар ва бошқа турдаги юридик ёрдам кўрсатишни;

—тадбиркорлик ҳуқуки нормаларини таҳлил қилиш; турдош соҳаларни бир-биридан фарқлаш; тадбиркорлик фаолияти субъектлари; банкротликнинг

хуқуқий асослари, халқаро хусусий хуқуқни.

– касбий фаолиятнинг мос соҳаларида халқаро хусусий хуқуқ нормаларини шакллантиришда аҳамиятга эга бўлган меъёрий ва фактик маълумотларни тўплаш; касбий фаолият обьектлари бўлган фуқаролик-хуқуқий нормалар ва халқаро хусусий-хуқуқий муносабатларни таҳлил этиш; сифатли ва малакали юридик хулосалар тайёрлаш, маслаҳатлар ва бошқа турдаги юридик ёрдам кўрсатишни;

- халқаро хусусий хуқуқ нормаларини таҳлил қилиш; турдош соҳаларни бир-биридан фарқлаш; мажбуриятларни алоҳида турларини; интеллектуал мулк, ворислик хуқуки, халқаро хусусий хуқуқни.

## **Фан дастури**

### **Фуқаролик ҳуқуқига кириш**

Фуқаролик ҳуқуқи ва унинг бозор иқтисодиёти муносабатларини мустаҳкамлаш жараёнидаги моҳияти. Фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар. Ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг фуқаролик-ҳуқуқий услуби ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Фуқаролик ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқланиши. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари. Фуқаролик ҳуқуқи тизими. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ҳуқуқининг ривожланиш босқичлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқаролик ҳуқуқи олдида турган долзарб вазифалар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойиши Республикасининг фуқаролик билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси мазмун ва моҳияти.

Хорижий мамлакатлар фуқаролик ҳуқуқининг умумий тавсифномаси ва ривожланиш тенденциялари.

Фуқаролик ҳуқуқи қонун ҳужжатларининг вақт, ҳудуд бўйича қўлланилиши муаммолари. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг умумий тавсифномаси ва унинг тизими муаммолари. Иш муомаласи одатларини фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари. Фуқаролик ҳуқуқида қонун ўхшашлиги ва ҳуқуқ ўхшашлиги (қонун ва ҳуқуқ аналогияси) муаммолари. Фуқаролик ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш.

Юридик фактлар, уларнинг таснифланиш шартлари ва тартиби. Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш муаммолари. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг турларга бўлиниши (таснифланиши).

Фуқаро (жисмоний шахс) тушунчаси. Эмансиپация ва унинг қўлланилиши. Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ва муомалага лаёқатсиз деб топиш нисбати. Вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келишининг оқибатлари.

Юридик шахс тушунчаси ва белгилари ҳақида илмий қарашлар. Юридик шахснинг маҳсус ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати. Юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари моҳияти. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, амалиёт ва муаммолар. Хорижий давлат юридик шахсларининг аккредитация шартлари. Юридик шахсни тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари. Юридик шахснинг начорлиги (банкротлиги) амалиёт

муаммолари. Юридик шахслар ташкилий-хуқуқий шакллари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарларида давлатнинг хуқуқий ҳолати тўғрисидаги илмий ғоялар. Давлатнинг фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда уларнинг бошқа иштирокчилари билан баравар асосларда иштироки хусусиятлари.

Фуқаролик хуқуқлари обьектларининг тушунчаси ва турлари. Ашёларнинг таснифи ва унинг хуқуқий аҳамияти. Қимматли қоғозлар фуқаролик хуқуқининг объекти сифатидаги хусусиятлари. Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш моҳияти ва аҳамияти.

## **Битимлар. Вакиллик ва ишончнома**

Битим тушунчаси ва бошқа юридик фактлардан фарқи. Кўчмас мулкка оид битимларнинг ўзига хос хусусиятлари. Битимларнинг ҳақиқий саналиш шартлари. Битимларни ҳақиқий эмас деб топиш натижасида келиб чиқадиган хуқуқий оқибатлар (реституция тушунчаси ва унинг қўлланиш шартлари).

Вакиллик тушунчаси, аҳамияти ва белгилаш асослари. Вакиллик турлари (қонуний вакиллик, суд қарори, давлат органлари қарори, шартномадан келиб чиқадиган вакиллик). Ишончномани расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.

## **Муддатлар. Даъво муддати**

Фуқаролик хуқуқида муддатлар тушунчаси ва аҳамияти. Фуқаролик хуқуқларини ҳимоя қилиш муддатлари. Даъво муддати тушунчаси ва аҳамияти.

Умумий даъво муддати ва маҳсус даъво муддатларининг қўлланилиши. Даъво муддатининг ўта бошлиши, даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши, даъво муддати ўтишининг узилишининг ўзига хос хусусиятлари. Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар таснифи.

## **Мулк хуқуқи ва бошқа ашёвий хуқуқлар**

Мулк хуқуқи тушунчаси ва элементлари. Мулк хуқуқини амалга ошириш шартлари ва муаммолари. Ашёвий хуқуқлар тушунчаси ва турлари. Шартнома асосида мол-мулк олувчида мулк хуқуқининг вужудга келиш пайтини аниқлаш муаммолари. Мулкдорнинг мол-мулкини бевосита олиб қўйишга қаратилмаган ҳолда мулк хуқуқини бекор қилиниши ўзига хос хусусиятлари. Хорижий давлатлар қонунчилиги бўйича мулк хуқуқи мазмуни.

Хусусий мулк хуқуқи тушунчаси ва хусусиятлари. Уй-жойга нисбатан мулк хуқуқининг вужудга келиши. Хусусий мулк хуқуқини тартибга солувчи ва мустаҳкамловчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари.

Оммавий мулк хуқуқи тушунчаси ва ўзига хослиги. Республика мулки

ва муниципал мулкнинг шаклланиш тартиблари. Давлат мулкини ижарага бериш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари.

Умумий мулк ҳуқуқининг вужудга келишининг ўзига хос хусусиятлари. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини қўлланилиши. Биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкни тақсимлаш ва ундан улуш ажратиш, компенсация тўлаш масалалари.

Мулк ҳуқуқини фуқаролик-ҳуқуқий усуслар билан ҳимоя қилиниши. Мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш (виндицион даъво) ва мулкдорнинг ҳуқуқларини эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлик бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш (негатор даъво). Мулкдор бўлмаган эганинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари.

## **Мажбуриятлар ва шартномалар тўғрисида умумий қоидалар**

Бозор муносабатлари шароитида мажбуриятларнинг хусусиятлари. Шерикли, улушли ва қўшимча мажбуриятлар. Мажбуриятда шахсларнинг алмашинишининг қўлланилиши.

Мажбуриятларни бажариш тушунчаси ва тамойиллари. Солидар мажбуриятнинг қарздорлардан бири томонидан бажарилиши оқибатлари. Мажбуриятнинг бажарилганлигини тасдиқлаш масалалари.

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашнинг қўлланилиши. Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг усуслари ва ўзига хос хусусиятлари.

Мажбуриятларни бажармаслик ва лозим даражада бажармасликнинг оқибатлари. Мажбуриятларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг қўлланилиши. Фуқаролик ҳуқуқида “форс-мажор” категорияси ва амалиётда қўлланилиши. Ҳиссали, шериклик ва субсидиар жавобгарликнинг хусусиятлари. Мажбуриятларнинг бекор бўлиш асослари ва усувлари.

Шартнома – томонларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи восита сифатида. Шартнома ва битим ўртасидаги нисбат. Шартноманинг шаклига қўйиладиган талаблар. Офера ва акцептнинг намоён бўлиши. Мажбурий тартибда шартнома тузишнинг хусусиятлари. Ким ошди савдосида шартнома тузишга доир муаммолар. Аукцион ва танлов хусусиятлари. Шартномани ўзgartириш ва бекор қилиш тартиби.

## **Олди-сотди шартномаси ва унинг турлари**

Бозор муносабатлари шароитида олди-сотди шартномасининг аҳамияти ва мажбуриятлар тизимида тутган ўрни. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Шартноманинг товар тўғрисидаги шарти. Товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфининг ўтиши. Товарларни улгуржи олди-сотдисининг хусусиятлари.

Чакана олди-сотди шартномасининг тушунчаси, мохияти, ҳуқуқий белгилари ва шартлари. Амалдаги қонунчилик билан чакана олди-сотди

муносабатларининг тартибга солиниши (бозор ва ярмарка қоидалари). Чакана олди-сотди шартномасида истеъмолчилар хуқуқларини химоя қилиш.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда маҳсулотни етказиб бериш шартномаси аҳамияти. Давлат буюртмаси тушунчаси, давлат контракти (шартномаси) тузиш асослари ва тартиби. Товарлар етказиб бериш бўйича давлат контракти натижасида юзага келадиган заарларни давлат томонидан қопланиши.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда контрактация шартномасининг моҳияти ва аҳамияти. Шартнома предмети, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг шартнома предмети сифатидаги ўзига хос хусусиятлари.

Энергия таъминоти шартномаси тушунчаси, хуқуқий белгилари. Энергия таъминоти шартномасида истеъмолчилар хуқуқларини химоя қилиш. Энергия етказиб бериш қоидалари.

Кўчмас мулк олди-сотди шартномасининг ўзига хос хусусиятлари, турар-жой, ер участкаси олди-сотди шартномасини расмийлаштириш тартиби. Корхонани сотиш шартномасининг шакли ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш. Транспорт воситаларини сотиш шартномасининг ўзига хос хусусиятлари. Айирбошлаш шартномаси хуқуқий белгилари ва шартнома предмети.

## **Ҳадя ва рента шартномаси**

Ҳадя шартномаси тушунчаси ва хуқуқий белгилари. Ҳадя шартномасини ижро этиш ва ижро мажбурий бўлган ҳолатлар. Ҳадяни бажаришдан бош тортиш, бекор қилиш асослари, ҳадя ваъда қилинганда хуқуқий ворислик.

Рента шартномаси тушунчаси ва хуқуқий белгилари, рента турлари. Доимий рента ва умрбод рентанинг қўлланиш соҳалари.

## **Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира) ни бошқа шахсга бериш шартномаси**

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира) ни бошқа шахсга бериш шартномаси тушунчаси ва хуқуқий белгилари, шакли, шартлари. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира) ни бошқа шахсга бериш шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш асослари. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира) ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича мажбуриятларининг ворисларга ўтиши.

## **Мулк ижараси шартномаси ва унинг турлари. Текин фойдаланиш шартномаси**

Мулк ижараси шартномаси тушунчаси ва хуқуқий белгилари. Ижара хақи ва уни тўлаш тартиби. Ижарага олувчининг хуқуқ ва мажбуриятлари.

Прокат шартномаси тушунчаси ва тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари. Прокат шартномасида истеъмолчилар хуқуқларини химоя қилиш.

Транспорт воситалари ижараси шартномаси қўллаш муаммолари. Транспорт воситасини экипажсиз ижарага бериш ва транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш хусусиятлари. Бинолар ва иншоотлар ижараси шартномаси тушунчаси ва хуқуқий белгилари. Корхонани ижарага бериш шартномаси тушунчаси ва хуқуқий белгилари. Давлат мулкини ижарага беришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Лизинг шартномаси тушунчаси, хуқуқий белгилари ва шартноманинг бозор муносабатлари шароитидаги аҳамияти. Лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ва хуқуқий амалиёт.

Уй-жой ижараси шартномаси тушунчаси ва хуқуқий белгилари. Уй-жой ижараси шартномасида тарафларнинг хуқуқ ва бурчлари. Уй-жой ижараси муносабатларини тартибга солишда Фуқаролик ва Уй-жой кодекси меъёрларининг узвий боғлиқлиги.

Текин фойдаланиш (ссуда) шартномаси тушунчаси ва хуқуқий белгилари. Ссуда шартномаси бўйича тарафлар, уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари. Шартномани муддатидан олдин бекор бўлиш асослари.

## **Пудрат шартномаси ва тур лари**

Пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар. Пудрат шартномасида қатнашувчи тарафлар: бош пудратчи, ёрдамчи пудратчи. Ишни бажариш муддатлари ва баҳоси.

Маишӣ пудрат шартномаси тушунчаси ва хуқуқий белгилари. Маишӣ пудрат шартномасида истеъмолчилар хуқуқларини химоя қилиш. Бажарилган ишдаги камчиликларнинг мавжудлигини аниқлаш оқибатлари.

Қурилиш пудрати муносабатларини хуқуқий тартибга солиш борасидаги қонун хужжатлари. Лойиха-смета хужжатлари, уларга ўзгартириш киритиш тартиби. Қурилиш пудрати шартномасини ўзгартириш ва бекор бўлиши тартиби ва асослари.

Лойиха ва қидирав ишлари пудрати шартномаси тушунчаси ва хуқуқий белгилари. Лойиха ва қидирав ишлари пудрати шартномаси предмети.

Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати шартномаси тушунчаси ва хуқуқий белгилари. Унинг бошқа пудрат шартномаларидан фарқи.

## **Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси**

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси тушунчаси ва унинг хуқуқий белгилари. Хизмат турлари: алоқа хизмати, тиббий, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш хизмати, сайёҳлик хизмати ва бошқа хизматлар. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида истеъмолчилар хуқуқларини химоя қилиш. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш

шартномасида тарафларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари, ҳамда шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик.

## **Ташиш шартномалари**

Йўловчи, багаж ва юк ташишнинг умумий қоидалари. Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасида истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш. Шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги. Ташиш шартномаларида жавобгарликни сугурта қилиш. Юк ташишга нисбатан талаб ва даъволар. Ташишга доир ҳалқаро нормалар ва уларнинг миллий қонунчиликка имплементацияси.

Транспорт экспедицияси шартномаси ва бошқа шартномалардан фарқи. Шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги.

## **Қарз шартномаси. Кредит шартномаси. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) шартномаси**

Қарз шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари. Қарзни гувоҳлантириш воситалари: вексель, облигация, давлат заёми. Кредит турлари: ашёларни кредитга бериш; тижорат кредити. Кредит шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Факторинг шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.

Банк омонати шартномаси тушунчаси, турлари ва ҳуқуқий белгилари. Банк ҳисобварафи шартномаси тушунчаси ва унинг ҳуқуқий белгилари.

Ҳисоб-китоблар тўғрисидаги умумий қоидалар. Ҳисоб-китоб турлари: нақд пуллар билан, тўлов топшириқномаси, аккредитив, инкассо, чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш.

## **Топшириқ шартномаси. Воситачилик шартномаси. Мол-мулкни ишончли бошқариш. Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаси**

Топшириқ шартномаси тушунчаси, ҳуқуқий белгилари ва шакли. Шартномада қатнашувчи тарафлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Бегона шахснинг манфаатларини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилиш шартлари.

Воситачилик шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари. Шартномада тарафлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Воситачилик савдосининг ўзига хос хусусиятлари. Дистрибуторлик шартномаларининг ўзига хос хусусиятлари. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари. Комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари. Шартнома шартларини белгилашда интеллектуал мулк ҳуқуқи нормаларидан фойдаланиш. Комплекс

тадбиркорлик лицензияси шартномасида чеклайдиган шартлар.

### **Омонат сақлаш шартномаси ва унинг алоҳида турлари**

Омонат сақлаш шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари, шакли. Ашёларни эгасизлантириб сақлаш, хавфли хоссаларга эга бўлган ашёларни сақлаш. Омонат сақловчига етказилган заарни қоплаш.

Ломбардда омонат сақлаш хусусиятлари. Бойликларни банкда сақлаш. Ашёларни транспорт ташкилотлари юхоналарида сақлаш. Ашёларни ташкилотларнинг кийимхоналарида сақлаш. Ашёларни меҳмонхоналарда сақлаш. Низоли ашёларни сақлаш (секвестр). Товар омборида омонат сақлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

### **Суғурта шартномаси**

Суғурта тушунчаси ва турлари. Бозор муносабатлари шароитида суғуртанинг аҳамияти. Ихтиёрий ва мажбурий суғурта. Мажбурий давлат суғуртаси. Мулкий ва шахсий суғуртанинг хусусиятлари. Суғурта ҳодисасини аниқлаш муаммолари. Суғурта товони ва суғурта пулинни тўлашдан озод қилиш асослари. Суғурта шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Суғурта муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликнинг ривожланиш тенденциялари.

### **Оддий ширкат шартномаси. Оммавий танлов. Мукофотни ошкора ваъда қилиш. Қимор ва гаров ўйинлар ўтказиши**

Оддий ширкат шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари. Шерикларнинг умумий ишларни юритиш тартиби, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Умумий харажатлар, заарлар ва жавобгарлик. Оммавий танлов шартлари, уни ўзгартириш, бекор қилиш тартиби. Мукофотни ошкора ваъда қилишда мукофот тўлаш мажбурияти. Қимор ва гаров ўйинлар уюштириш ҳамда уларда иштирок этиш билан боғлиқ талабларни судда ҳимоя қилиш шартлари.

### **Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар**

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг умумий қоидалари. Давлат идоралари ва мансабдор шахслар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик. Ҳуқуқ-тартибот идораларининг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик. Муомалага лаёқатсизлар, муомала лаёқати чекланганлар, вояга етмаган болалар ва ўсмиirlар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.

Шартномаларга оид ёки бошқа мажбуриятларни бажаришда фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш муаммолари. Соғлиққа шикаст етказилганлиги туфайли заарнинг ўрнини

қоплаш ҳажми, хусусияти, муддати.

Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш асослари. Товарнинг, ишнинг, хизматнинг нуқсонлари оқибатида етказилган зарар учун жавобгар шахслар.

Маънавий зарар тушунчаси ва уни қоплаш муаммолари. Маънавий зарарни қоплаш усули ва шакли. Асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятларнинг ўзига хос хусусиятлари.

### **Интеллектуал мулк**

Интеллектуал фаолият тушунчаси ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти. Интернет тармоғидаги интеллектуал мулк муаммолари. Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан шахсий ва мулкий ҳуқуқлар. Лицензия шартномаси, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Муаллифлик ҳуқуқи обьекти ва уни ҳуқуқий муҳофаза этиш асослари. Муаллифлик ҳуқуқи обьектлари ҳисобланувчи асарнинг қисмлари, ҳосила ва жамлама асарлар. Муаллифнинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлари. Хизмат асарига бўлган муаллифлик ҳуқуқи. ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Саноат мулк ҳуқуқи субъектлари, обьектлари ва уларни муҳофаза қилиш асослари. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси тушунчаси, уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш шартлари: янгилик, амалиётда қўллаш мумкинлиги ва ихтирочилик даражасига эгалиги. Селекция ютуқлари тушунчаси ва турлари.

Ишлаб чиқариш тижорат сирлари (ноу-хоу). Фуқаролик муомаласи қатнашчилари, товарлар, ишлар ва хизматларни шахсийлаштириш воситалари. Фирма номи, товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси), товар чиқарилган жой номига бўлган ҳуқуқ.

### **Ворислик ҳуқуқи**

Ворислик ҳуқуқининг фуқаролик ҳуқуқида тутган ўрни ва аҳамияти. Васият бўйича ворисликнинг ўзига хос хусусиятлари. Тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик ва мерос трансмиссиясининг нисбати. Мерос қолдирувчи қарамоғидаги меҳнатга лаёқатсиз шахслар, эр (хотин)нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хусусиятлари. Меросдан мажбурий улуш ҳуқуқини қўллаш муаммолари.

### **Оила ҳуқуқига кириш**

Оила ҳуқуқининг ҳуқуқ соҳаси сифатидаги ўзига хос хусусиятлари. Оила ҳуқуқининг манбалари тизими таҳлили. Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар мазмуни.

### **Никоҳ**

Оила хуқуқида никоҳ тузиш тартиби ва шартлари. Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказишга доир талаблар. Никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги ва тугатилиши хусусиятлари.

### **Оила аъзоларининг хуқуқ ва мажбуриятлари**

Эр-хотиннинг шахсий хуқуқ ва мажбуриятлари. Эр-хотиннинг мулкий хуқуқ ва мажбуриятлари. Эр-хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби. Ота-она ва болаларнинг шахсий хуқуқ ва мажбуриятлари. Ота-она ва болаларнинг мулкий хуқуқ ва мажбуриятлари. Эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари. Қариндошлар ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари. Алимент ундириш ва тўлаш тартиби.

### **Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш**

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш шакллари. Фарзандликка олиш, оиласага тарбияга олиш ҳамда васийлик ва ҳомийлик белгилаш тартиби, ўзига хос хусусиятлари. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштироқидаги оиласавий муносабатларни тартибга солиш.

### **Тадбиркорлик (бизнес) хуқуқи – алоҳида хуқуқ соҳаси**

Тадбиркорлик (бизнес) – бу нима? Бозор ва тадбиркорлик. Тадбиркорлик хуқуқининг тушунчаси, предмети ва принциплари. Тадбиркорлик (бизнес) хуқуқининг манбалари. Тадбиркорлик (бизнес) хуқуқий муносабатлар. Тадбиркорлик хуқуқий муносабатнинг турлари. Тадбиркорлик хуқуқий муносабат обьектлари. Тадбиркорлик хуқуқий муносабатларнинг туркумланиши.

### **Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ва уларнинг турлари**

